

Муҳаммад Юсуф

---

ТАНИШ  
ТЕРАКЛАР

*Шеърлар*

*Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1985*

**Юсуф Муҳаммад.**

Таниш тераклар: Шеърлар. —Т. :Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. — 68 б.

Чиқиш маълумотларида авт. Муҳаммад Юсуф (Юсупов).

Муҳаммад Юсуф шеърларида ҳаёт ҳақиқати ёниқ эҳтирос ва кўтаринки руҳ билан тасвирланади. Муаллиф юрагидаги самимият нури шеър сатрларини ёритиб туради ва унинг куюн-чаклиги шеърхонга ҳам юқади. Лирик қаҳрамоннинг руҳияти гўзал, ҳаёли узун, дардининг кўзлари тийран. Она юрт туйғуси, ўтган урушнинг дилдаги таассуротлари. бугунги кун ташвишлари ва эртанги кун умидлари чиройли ташбиҳларда ифода этилган.

Юсуф, Муҳаммад (Юсупов). Знакомые тополя: Стихотворения.

Ю  $\frac{4702570200 - 236}{M352 (04) - 85}$  Доп. -85. Уз 2

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, й.

\* \* \*

Бўйи райҳон юртимнинг  
Қадрин билиб юрдимми,  
Кулса кулиб, куюнганда  
Бағрим куйиб, юрдимми,  
Дардин олай, дедим  
Лекин  
Дардин билиб, юрдимми?..  
Шеърим, сен айт.

Билиб қачон дармон бўлдим,  
Билмай қачон бердим панд,  
Хуш чоғини кўзга суртиб,  
Қучоғини этиб банд,  
Юртим менга Она бўлди,  
Нима қилдим мен —  
Фарзанд?..  
Шеърим, сен айт.

Ардогида ўсдим, уни  
Суюб яшай нондай, ман,  
Кўксимдаги эътиқодим,  
Кўксимдаги жондай, ман,  
Ўз онамга севаман, деб  
Айтай лекин қандай, ман?..  
Шеърим,  
Сен  
айт..

## АЛВОН ГУЛЛАР

Ватан менга ўша ҳур қишлоқ  
Ва қалдирғоч йўқлаб келган беҳисоб  
Анов томлар узра ҳилпираб турган  
Алвон гуллар — исми инқилоб.

Жасоратдир оқ дур тўла ҳар чаноқ,  
Тракторлар — «Аврора»лар бесаноқ  
Ва штурвал қучган ўша моҳитоб  
Турсунойлар исми инқилоб.

Кузги пайкал — жазирама саратон  
Ва елкага ботган минг игна-офтоб.  
Дўлда қолган кўчатига ачиниб,  
Ҳўнгир-ҳўнгир йиғлай олган азамат  
Бригадирлар исми инқилоб.

Ватан менга шу алвон диёр  
Ва чангин ҳам айлаб жонига тавоб,

Беланчакда ётган анов қоракўз  
Болакайлар — исми инқилоб.

Ва Ленинга энг содиқ одам,  
Менинг деҳқон отам,  
Исми инқилоб!

## И Н С О Н

Юлдузларни ютиб юборди бу тун,  
Ютди-ю унутиб юборди бу тун.  
Шундай тунда агар йиғлагинг келса,  
Сен одам экансан, одам экансан.

Чақалоқ туғилди — сочи қоп-қора,  
Кўзини очмасдан жилмайди, қара.  
Шундай кунда агар куйлагинг келса,  
Сен одам экансан, одам экансан.

Мен таскин изладим куйган жонимга,  
Суйдим, балоларга қолдим, ёнимга  
Келиб секин ҳолим сўрагинг келса,  
Сен одам экансан, одам экансан.

Танҳо билмаса ҳам, билса ҳам Ватан,  
Йиғласа ҳам Ватан, кулса ҳам Ватан,  
Унга жонни тикмоқ тилагинг бўлса,  
Сен одам экансан, одам экансан.

Қахр бу — адоват, араз ўткинчи,  
Қуёш кўтарилиб, қуёш ботгунча,  
Керакмасларга ҳам керагинг бўлса,  
Сен одам экансан, одам экансан.

#### 41 ИИЛ

Сўнги йўқ пўлат излар,-  
Ёғоч вагон поездлар —  
Минг тўққиз юз  
қирқ биринчи йил.

Юртимга келган қаҳат,  
Сумка-сумка қорахат —  
Минг тўққиз юз  
қирқ биринчи йил.

Тул қолган келинчаклар,  
Жонимга чиққан чечаклар —  
Минг тўққиз юз  
қирқ биринчи йил.

Мардонавор Москва  
Ва барқарор Москва —  
Минг тўққиз юз  
қирқ биринчи йил.

Қор кўммаган бир жуфт из,  
Ҳайкалга айланган қиз —  
Минг тўққиз юз

Қирқ биринчи йил.

Енаётган Гастелло,  
Қулаётган Гастелло,  
Кулаётган... Гастелло —  
Мана, сизга  
41 йил!

## МАРУХ ДОВОНИ

Черкас чўпони Мурудин Қўчқоров 1962 йил кузида Ғарбий Кавказ тизмаларидаги Марух довони музликлари орасидан совет жангчилари жасадини топиб олди. Муз устида, тошлар орасида қотиб қолган бир взвод жангчилари орасида 17 миллат вакили бор эди.

Улардан бирининг фамилияси Муҳиддинов эканлиги аниқланди.

Жангчи ўлди,  
Кўкрагида қўрғошин,  
Кавказ тоғларида  
Жасади қолди.  
Йигирма йилдан сўнг  
Суякларини  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Ўзбек эди  
Қоракўз эди  
Оти —  
Сатормиди —  
Содиқмиди,  
Сотволди...  
Ҳеч ким билмас,  
Билгани — уни тоғдан  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Балки ёлғиз  
Болангиз эди сизнинг,  
Отангиз ё  
Оғангиз эди сизнинг.  
Юз йил тинмас  
Нолангиз эди сизнинг,  
Ёри эди  
Ё бир умидвор қизини,  
Дунёда энг гўзал,  
Вафодор қизнинг;  
Ўтга сакраб,  
Чиқди  
Ичидан музнинг...  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди.

Қирқ йилки ким  
Тиёлмаса кўзёшин,  
Йиғлаб сим-сим  
Тиёлмаса кўзёшин,  
Кўролмаса  
Кўкка боқиб қуёшин,  
Тоққа чиқсин  
Тошларга қўйиб бошин,  
Эгилмаган  
Бошларга қўйиб бошин,  
Ётган экан  
Кўкрагида  
Қўрғошин...  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди.

Сиз ҳам,  
Ватан,  
Ватан деб кўпирганлар,  
Содиқ ўғлинг  
Менман деб гупирганлар,  
Минбардан  
Ваъз айтиб,  
Кўкрак керганлар,  
Туморлармас  
Асраган жонингизни,  
Кўриб қўйинг,  
Бу кун имонингизни,  
Черкас чўпон

Муз ичидан  
Топволди...

## БИР ҚУНИ

Бир қуни,  
Бир алвон  
Замон келади,  
Замин узра  
Омон-омон бўлади.  
Ун йилми,  
Юз йилми ўтиб орадан,  
Урушлар,  
Низолар кетиб орадан,  
Тўплар  
Адирларда бугдой ўради,  
Танклар  
Далаларда пахта теради.  
Миллатлар,  
Элатлар,  
Оқ тан, қора тан  
Ҳаммаси  
Ҳазрати инсон бўлади.  
Олам  
Гулистон бўлади  
Бир қуни...  
— Шоирлар-чи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?..  
— Уларнинг шодликдан  
Юраклари ёрилиб ўлади.

\* \* \*

Қарамайди қайрилиб бир бор —  
Мен турибман остонада зор.  
Ойни узиб берсанг ҳам менга,  
Чиқмайман дер, ноз қилар дилдор.

Утинчларим беҳуда, зорим,  
Илинжларим — ҳаммаси бекор.  
Рашким келар, келади орим,  
Чиқмайман дер, ноз қилар дилдор.

Тошойнага термиль, лекин,  
Ўзи ўсма тортиб қошига,  
Дугонаси ёнида, тагин  
Тушиб кетар булоқ бошига.

Жимман, бироқ узолмам кўзим,  
Кимларгадир қиламан ҳавас.  
Келишмаган йигитман ўзим,  
Сочларим ҳам жингалак эмас...

## БОЛАЛИК

Қиқирлашиб қирларда  
Қизлар ўйнаб юрарди,  
Рўмолларин йўқотиб  
Мендан сўраб юрарди.

Мен билсам ҳам барини  
(Рўмоллари қўйнида),  
Индамасдим. Бу ҳам бўй  
Қизларнинг бир ўйни-да...

\* \* \*

Энди билдим — жола экан  
Бир томчи кўзёш.  
Қалбдан оққан нола экан  
Бир томчи кўзёш.

Энди билдим — жола экан  
Бир томчи кўзёш.  
Кулолмаган толе экан  
Бир томчи кўзёш.

Қўй десанг гоҳ, «қўй»ни билмаган,  
На аза, на тўйни билмаган,  
Гап уқмаган бола экан  
Бир томчи кўзёш.

Ва беҳуда таъналару аччиқлар — кейин,  
Пушаймонлар, кўкракдаги санчиқлар —  
кейин.

Сочларда оқ тола экан  
Бир томчи кўзёш!

\* \* \*

Сен кимни севасан,  
Ул офати қизними ё  
    Бешикдаги ўғлингни?..  
Кўзларингни узолмайсан бешикдан,  
Ундан эса кўнглингни..  
Салом!  
Кимдир кириб келар эшикдан,  
Йўрғаб қўяр бешикдаги ўғлингни,  
Йўрғаб қўяр эшикдаги кўнглингни,  
Терғаб қўяр эшикдаги кўнглингни.  
Сен кимни севасан?

\* \* \*

Ҳакамларга тўкиб солиб бор сиримизни,  
Ажралишдик, биз тушуниб бир-биримизни...

Мени эса қийнар эди бўлак ғам,  
Саноғи йўқ томошабин ичра мен,  
Яхши-ёмон, холис-худбин ичра мен,  
Кўриб қолган эдим ўз ўғлимни ҳам.

Ениб турар тойчоғимнинг кўзлари,  
У биледи ҳақ кимдиру — ноҳақ ким,  
Кимники рост, кимнинг ёлғон сўзлари,  
Омон бўлса судья бўлади ўғлим!

Омон бўлса одил ҳакам бўлару  
Узи бир кун суд ҳукмини тўлдирад.  
Зал бурчида эса бундан беҳабар,  
Оқсоч онам ўлтирад, оқловчига мўлтирад...

\* \* \*

Бекатларда мен қоларман-да,  
Айтар сўзим қолиб кетади.  
Трамвайлар сени ҳар куни  
Бодомзорга олиб кетади.

Термиламан, изларидан жим,  
Боқиб кўзим толиб кетади.  
Бодомзорга сени ҳар куни  
Трамвайлар олиб кетади.

Темир йўлга бошларин уриб  
Гилдираклар нолиб кетади.  
Бодомзорга сени ҳар куни  
Трамвайлар олиб кетади.

Юр деб ўзим кетар йўлларга.  
Буролмайман трамвайларни.  
Сўколмайман трамвайларни,  
Уролмайман трамвайларни.

Кўролмайман. трамвайларни!..

## СУРАГ

Елкадан сирғалиб кундузги ташвиш,  
Елкадан сирғалиб кўрпалари-да,  
Супачада ухлар эркак ва аёл  
Еғоч бешик ўрталарида.

Хўрозлар баётин авжи — тонготар,  
Суюмли нигоҳи эркаларида,  
Нонушта қилади эркак ва аёл  
Еғоч бешик ўрталарида.

Қайдадир трактор гувиллар. Энди  
Топган-тутганлари ўрталарида.  
Далага жўнайди эркак ва аёл  
Еғоч бешик елкаларида...

\* \* \*

Қўл ушлашиб турган шаддод қизлардек  
Қошда ўсма, қулоғида зираклар,  
Туюлади менга қишлоққа борсам,  
Таниш йўллар бўйидаги тераклар.

Бу йигит ким?.. ниқташади бир-бирин,  
Сергакланиб, сочларини турмаклаб,  
Таниб секин уҳ тортади биттаси,  
Қиқир-қиқир кулар бири эрмаклаб...

## МИНГТЕПА ҚҰШИҚЛАРИ

*(Ўтмишдан лавҳалар)*

### I

Энажонин ташлади кетди,  
Юрагини ғашлади кетди,  
Номус жангга бошлади, кетди,  
Қизил аскар ўғилчам.

Аммо қонга ботиб бир оқшом,  
Елиб келди оти бир оқшом,  
Олиб келди оти бир оқшом  
Қизил аскар ўғлимни.

Осмонларда ой тўлгани шу,  
Қароқчининг бой бўлгани шу,  
Кўзёшларим сой бўлгани шу, —  
Қизил аскар ўғилчам.

Қаро ерга қўймай боламни,  
Дийдорига тўймай боламни,  
Эргаш ўлсин, сўймай боламни —  
Қизил аскар ўғлимни.

### II

Эргаш понсод увлади,  
Қашқир бўлиб ув-ув.  
Тўқайзордан қишлоққа  
От ёғилди дув-дув.

Аскар бола, бўз бола,  
Уям одам-ку-ку,  
Қилич ботиб кўксига  
Ётар инграб: «сув-сув...»

Гузар ари инндай,  
Ғувиллайди зув-зув,  
Менинг чолим, осилган,  
Менинг ўғлим, чопилган,  
Менинг қизим-ку...

Сут кўр қилгур сени ҳам  
Онанг туққан эди-ку,  
Илоҳим, бу гуноҳинг  
Қонинг билан юв-юв.

Бўлар элнинг боласи  
Бир-бирини дейди-эй.  
Бўлмас элнинг боласи  
Бир-бирини ейди-эй.

### III

Занги ота мол ҳайдади,  
Белларига нон бойлади.  
Эҳ, ўчи бор эди, ўчи...  
Эргаш понсод йўл пойлади.

Елкасида бешотари,  
Ёнбошида пўлат шамшир.

Тўқайзорда саҳар пайти  
Чол йўлини тўсди қашқир.

— Ҳа, бузуқи чол, қалайсан?  
Мени танидингми?  
Қариган чоғингда дейман,  
Айнидингми?!

Занги чол чўрткесар одам,  
Афсус, очлик қўймас, бўлмаса,  
Шу ерда ҳам куйлаб берарди  
Эргаш ҳақидаги термасин.

Понсод имо қилди. Навкарлар,  
Чолни ерга босишди.  
Қўлларини боғлаб, ҳиринглашиб,  
Оёғидан тутга осишди.

Қамишдай чийиллаб кетди бир шамшир,  
Қон ҳидини туйди чол димоғи,  
Тўп этиб тумшуғи олдига  
Тушди битта оёғи:  
— Ана, энди қўшиқларингни тўқиб,  
Оёгингни осмонга тираб,  
    Ер чўқиб,  
    Ётавер Занги.  
Уни шундай ташлаб кетишди,  
Молларини ҳайдаб кетишди...

## ҲАЛИМА ЭНАМ АЛЛАЛАРИ

### I

Уни қаранг, от ўйнатиб  
Навкар тўла қўлтиги,  
Эргаш понсод келаяпти.  
Елкасида милтиги...

Эргаш понсод бери кел,  
Гижинглатиб отингни.  
Уйинг куйгур босмачи,  
Чолимни сен отдингни?!

Бир кун юлиб оларман,  
Эргаш, қора юзингни,  
Уғилларим улғайса,  
Ўйдираман кўзингни.

Қизил аскар, кел тезроқ,  
Босмачининг зулмидан,  
Босмачининг измидан,  
Халос бўлсин эл тезроқ.

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлангур  
Ботирларим, ухланглар.

## II

Уни қаранг, уни қаранг,  
Маҳаллада энг «фаранг»,  
Энди келар Тўхтовуш —  
Оёғида йўқ ковуш,

Тўхтовушни сайратмай,  
Танга ташланг қўлига.  
Чиқариб қўйинг етаклаб  
Мингтепанинг йўлига.

Бориб бозор айланиб,  
Томоқлари мойланиб,  
Қайтиб келсин Тўхтовуш,  
Оёғида кўк ковуш...

Тўхтовушнинг уйи йўқ —  
Ёқиб кетган босмачи.  
Тўхтовушнинг чоли йўқ —  
Чопиб кетган босмачи.  
Қора рўмол бошига  
Ёпиб кетган босмачи.

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар.

### III

Олисларда от кўрдим,  
Гирот экан қарасам,  
От устида ўспирин,  
Саллот экан қарасам.

Саллот бола исмини,  
Сергей экан сўрасам,  
Қамбағалга жонини  
Бергай экан сўрасам.

Томлардаги қизғалдоқ  
Байроқчага ўхшайди.  
Қизил аскар қишлоққа  
Босмачини қўймайди.

Эргаш, ҳа, тоққа қочди,  
Куни битиб бородур.  
Юртга зуғум қилганнинг  
Икки юзи қародур.

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар,  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар...

### IV

Хўмрайса кўк хўрсинар.  
Кулмаса кун чиқмайди.

Эл йиғласа, эр йигит  
От устида ухлайди.

Эл йиғласа, эр йигит,  
Кенг жаҳонга сиғмайди.  
Ев кўксини ўртаган  
Дод устида ухлайди.

Қилич унга ботмайди.  
Уқлар уни йиқмайди.  
Йиқилса ҳам бағри қон  
Ёт устида ухлайди.

Иўқлаб борсанг кейин юр,  
Тур десанг гап уқмайди.  
Она-Ерни қучоғлаб  
Шод, устида ухлайди...

Пичир-пичир қилманглар.  
Қиқир-қиқир қулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар.

## V

Ботир ўғлим, қайдасан? —  
Ҳеч қўл етмас жойдасан.  
Тўхтасинжон\* айланай,  
Сувга чўккан болам-эй.

---

\* Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Мирзаев танки билан Днепрга чўкиб кетган.

Қодир ўғлим, қайдасан.  
Шарқираган сойдасан.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй.

Тинмас онанг нолиши,  
Сувўтлари — болиши.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй.

Тупроқда жой йўқмиди,  
Қирғоқда жой йўқмиди.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй.

Дарёга бош эгайми,  
Сувларга қон йиғлайми.  
Тўхтасинжон, айланай  
Сувга чўккан болам-эй.

Мингтепада тугилган,  
Динепурга кўмилган,  
Тўхтасинжон, айланай  
Сувга чўккан болам-эй...

Пичир-пичир қилманглар.  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси ўргулсин,  
Ботирларим, ухланглар.

## VI

Кўкка қаранг, кўк дойим  
Бир қўшиқни куйлайди:  
Мингтепалик дўстига  
Хиёнатни билмайди.

Бу юрт ўғли ёвин ҳам  
Елкасидан отмайди.  
Отиб ботир аждодин  
Руҳини қонатмайди...

Ерга қаранг, тупроқ ҳам  
Бир қўшиқни тиндирмас:  
Бу эл қизи қошига  
Усма қўйса — билдирмас.

Бу эл қизи ёрини  
Кутар қирқ йил тўлгунча.  
Қирқ йил кутар, сўнг тагин  
Кутаверар... ўлгунча.

Пичир-пичир қилманглар.  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар.

## VII

Хушxabарчи чирогим.  
Тинмас темироғим,

Куймас кўмироғим,  
Уғлимдан хат келтиргин.

Мен боламдан йироқман,  
Интизорман, илҳақман,  
Бир хабарга муштоқман,  
Уғлимдан хат келтиргин.

Чопиб чиқай йўлингга,  
Бир ўпай тоқ қўлингдан,  
Бир ўпай соғ қўлингдан —  
Уғлимдан хат келтиргин.

Бугун яна кўрдим туш:  
Турар эмиш қўли мушт.  
Қачон тугар бу уруш?..  
Уғлимдан хат келтиргин.

Жанг қизиган он эмиш,  
Кўкраклари қон эмиш,  
Кўйлаклари қон эмиш,  
Уғлимдан хат келтиргин.

Норимдан-ку кўнглим тўқ,  
У тик кечгай олов, ўқ.  
Лекин нега хабар йўқ?..  
Уғлимдан хат келтиргин.

Алпим, марди майдоним.  
Элга кўкси қалқоним.

Менинг Сайдаҳматжоним,  
Уғлимдан хат келтиргин...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар.

### VIII

Чимилдиғу чимилдиқ,  
Тортилдию йиғилди.  
Қимнинг қоши уйилди?..  
Озодахон келиннинг.

Айвондаги қалдирғоч,  
Ўқ тегмасин тагин, қоч.  
Панадан куйлаб кўнглин оч  
Озодахон келиннинг.

Ажриқ қучган анқизман,  
Сувга тушган ялпизман.  
Топган гапи: ёлғизман...  
Озодахон келиннинг.

Тугилади муштлири,  
Фронт кезар ҳушлари.  
Тутқич бермас тушлари  
Озодахон келиннинг.

Тупроқ дала йўлида,  
Борар-келар ўйида.  
Бир сурат бор қўлида  
Озодахон келининг.

Сувга чиқса бекаси  
Силкинади елкаси.  
Тўлмайди ҳеч кўзаси,  
Озодахон келининг.

Кўзларига дунё тор,  
Сандиғида бир хат бор,  
Сандиғида бир хат бор.  
Бир қишлоқдан сир хат бор.  
Озодахон келининг.

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар.

## IX

Отангдан қора хат олдим,  
Ҳеч битмас жароҳат олдим.  
Энди қайдан тоқат олдим...  
Ухла болам, ухлай олсанг.

Ғаним пойлар эшигингда,  
Жонинг пойлар эшигингда,

Илон ўйнар бешигингда,  
Ухла болам, ухлай олсанг.

Мен кун бўйи қўш тортаман,  
Тош тўкаман, тош ортаман,  
Ёш тўкаман, ёш артаман,  
Ухла болам, ухлай олсанг.

Қизил вагон, узун вагон,  
Тутун қилиб изин вагон.  
Борар тикиб кўзин вагон,  
Ухла болам, ухлай олсанг.

Қизил вагон ўтхонаси,  
Куйган бағримдан чўғ осин,  
Ёндирсин ёв ордонасин,  
Ухла болам, ухлай олсанг.

Кўкда қаро булут кўрдим,  
Кўкси яро бургут кўрдим.  
Кўзида гина, ўгит кўрдим...  
Ухла болам, ухлай олсанг.

Суйиб исминг Санжар дедим,  
Қайсар дедим, ўжар дедим,  
Ёстиғингга ханжар қўйдим —  
Ухла болам, ухлай олсанг...

Онанг хаёл суриб кетди,  
Томоқлари қуриб кетди.

Нега чўчиб туриб кетдинг?..  
Ухла ўғлим, ухлай олсанг,

**Х**

Уруш кетмоқда, уруш.  
Ой бўлсанг ҳам кўкдан туш.  
Қани, бўл эй, тонг ёриш,  
Райим раис келмоқда.

Тутлар, силжиб йўл беринг,  
Ҳорманг деб, бир ҳол сўринг.  
Толлар, суяб қўл беринг,  
Райим раис келмоқда.

Тўкилинг, гўзабарглар.  
Пахта туғинг, кўсаклар,  
Пахта туғинг, кессаклар!  
Райим раис келмоқда.

Беҳаловат, бетинлар,  
Жони пўлат, метинлар.  
Туринглар, ҳей хотинлар!..  
Райим раис келяпти.

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар,  
Ботирларим ухланглар,  
Райим раис келяпти!

## ХІ

Кўчамизда кун кулди,  
Битди хавфу — хатарлар.  
Берлинга қувиб кетди  
Ёвни ботир аскарлар.

Берлин йўли узоқдир,  
Борар сўнгги огир жанг.  
Тўнғиз Гитлер қалайсан,  
Тўнғиз Гитлер, ҳолинг танг.

Офтоб теккан айвоним,  
Хўрсилади: вой, жоним,  
Гўжа ичган «бой» жоним,  
Балчиқ кечган лой жоним.

Бўзим тинсин-эй, жоним.  
Кўзим тинсин-эй, жоним.  
Бу кунларни унутсам,  
Бўйним синсин-эй, жоним...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин,  
Ботирларим, ухланглар...

## Қ И Ш Л О Қ Д А

Бу ерларда сал тортиниб тур,  
Бу ерларда кўкракни керма,

Юлдузларга осилма, шоир,  
Осмонни ҳам мақтайверма.

Бу ерларда куйлама — тингла,  
Усмай қолсанг — уволинг менга.  
Атиргуллар назокатини  
Куйлайверсин тўрғайлар бунда.

Тамаки торт, хўрсин хаёлчан,  
Юзинг оппоқ, кўйлагинг оппоқ,  
Қўлларингни соябон қилиб,  
Жазирама далаларга боқ.

Ана, қара гўза сугориб,  
Деҳқон ҳориб жўяк бошида  
Яккатут пойига қулади.

Жуда қўлинг қичиса, бориб,  
Қаламингни қовурғасига  
Теккизиб ол... ўткир бўлади!

\* \* \*

*Вали ҒАФУРОВГА*

Умр нима. Умр оқиб ўтмоқда.  
Гоҳи ёқмай, гоҳи ёқиб ўтмоқда.  
Бир ёқда қари онам мени кутар,  
Водород бомбалари... бир ёқда.  
Умр эса ўтмоқда.

Севги нима. Севги асли кутмоқ-да,  
Пўл қараб кун-тунлари қон ютмоқда,  
Гулдай бир қиз кутар мени қишлоқда,  
Қирувчи самолётлар... бир ёқда.  
Умр эса ўтмоқда.

Юрак йиғлар. Гоҳи шеърлар битмоқда,  
Ёқса йиғиб, ёқмаганин йиртмоқда,  
Бир ёқда машҳур бўлиб кетиш хавфи,  
Баллистик ракеталар... бир ёқда.  
Умр эса ўтмоқда...

Сиз нега жим? Нега вафодор устоз,  
Койимайсиз мени, ўртоқларимни:  
«Қам ёзаяпсиз болаларим, жуда кам,  
Снарядлар босиб кетди Заминни!»  
Умр эса ўтмоқда!

### ~~УТАН БОБО~~

~~Тўққиз қизни куёвга берди,  
Бир сўз билан: Хиёнат қилма!  
Эрингга хиёнат қилганинг —  
Элингга хиёнат қилганинг,  
Онанингга хиёнат қилганинг,  
Отанингга хиёнат қилганинг,  
Утанга хиёнат қилганинг...~~

Ватанга хиёнат қилганинг!

\* \* \*

Ҳали билмай сонсиз гуноҳларимни  
Кечирмаган — кечирганингни,  
Кўриб қолдим бир оқшом тагин  
Деразадан ечинганингни.

Ғаним экан менга саёқ нигоҳим,  
Юрагимни қитиқлар, қилмас писанд.  
Кўрганларим туш деб ўзни чалғитсам,  
Кўзларимга ботиб қолди сийнабанд.

Дилдор, кечир кўриб қолганим учун,  
Кўрмаганим учун кечир гоҳида.  
Мен шу ерда, ёнингдаман бу кеч ҳам,  
Ултирибман... қантак ўрик шоҳида...

\* \* \*

Рўмолим бор — бўяма,  
Бўямани ювдирма...

Қўшиқдан.

Рўмолингни бўяма,  
Билмайгина ювдирдим,  
Отанг сени бермай, мен  
Оламан деб куйдирдим...

Мени суйсанг бўлгани,  
Сен сўзингда тур, жоним,  
Отангни ўзим йўлга  
Соламан, деб куйдирдим.

Маломатлар ёғилсин,  
Тошлар ёғсин бошимга,  
Мен аҳдимга вафодор  
Қоламан, деб куйдирдим.

Отанг сени бермади,  
Тақдир дедим. Кўникдим.  
Мен бечора... бир шоир  
Боламан, деб куйдирдим...

\* \* \*

Кечагина қишлоқдаги қизлар бари  
Менга сирли қошлар қоқиб қарашарди.  
Қарашмаса, уйларига тунда келиб  
Тошлар отиб қочар эдим — ярашарди.

Саҳаргача атрофида айланишиб,  
Дилхун уйга қайтар эдим, билишарди.  
«Кимни кутиб турибди бу йигитча», деб  
Девор оша мўралашиб кулишарди.

Бугун эса бўз йигитман, бўзлаганим —  
Болалигим олисларда қолиб кетди.  
Бир қишлоқ қиз орасидан танлаганим —  
Бармоғига тилла узук солиб кетди.

Қизлар энди девор оша мўралашиб,  
«Қимни кутиб турибсан», деб сўрашмайди,  
Кетолмайман бир ҳовлига ўралашиб,  
Тошлар отиб қочай десам — ярашмайди...

## ШИФОХОНАДА

Шундай шифокорлар борки,  
Туғишган акангдай қарайди сенга,  
Тузалиб кетасан уялганингдан.

Шундай беморлар борки,  
Тўшакка миҳланиб ётар бенажот,  
Уялиб кетасан тузалганингдан.

## ДАЛАДА

Қовушмаган иккита тақдир  
(Балки у ҳам ўзича ҳақдир)  
Орасига икки эгатни  
Атай ташлаб ўтди бригадир.

Қовушмаган иккита нигоҳ  
(Балки савоб бу, балки гуноҳ)  
Орасига икки эгатни  
Атай ташлаб ўтди бригадир.

Ҳамма қизнинг кўзи уларда,  
Ҳаммаси бир бўлиб ўйларди:

«Орасига икки эгатни  
Атай ташлаб кетди бригадир...»

Икки эгат ораларида  
Кўкка ўрлаб кетгунча хирмон,  
Икки эгат ораларида  
Беш миллионга етгунча хирмон:

Зорланади ялинчоқ нигоҳ!  
— Кел, ёнимга бирга терамиз,  
Унамайди тортинчоқ нигоҳ:  
— Одамларга кулки бўламиз...

\* \* \*

Марҳаматлик деҳқон йигит —  
Қодирни рўза энди ҳосилга кирган  
маҳал машина уриб кетди. У ҳу-  
шига келганида иккитагина қовур-  
ғаси соғ қолган эди... Хотини лўп-  
пи бўлиб очилган даласидаги пах-  
тани ҳашарчилар териб олишаёт-  
ганини айтганида Қодирнинг кўзи-  
дан бир томчи ёш ғилдираб ёс-  
тиққа тушди.

Қодир,  
Қандай экан яшамоқ бахти?  
Гоҳ уриб, гоҳ тиниб турганда юрак.  
Узи билдирмаса меҳрибон доктор,  
Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...

Ўзича сиғинар юртига ҳар ким.  
Биров уруғ сочар, биров уй тиклар.  
Юмуш билан бўлиб, сен ўлсанг, балки  
Билмай ҳам қоларди марҳаматликлар.

Эшитдим. Жонимни авайлаб мен ҳам,  
Қайдадир юрардим лолалар териб.  
Кўздан дув ёш келди гулга энгашсам,  
Оғрийверди санчиб манови ерим...

Ўзича сиғинар юртига ҳар ким.  
Сочлари жингалак, юзлари силлиқ,  
Учар оғайнилар мансаб илинжида,  
Креслоларга қилишар қуллуқ.

Севги изҳор қилар таннозларига,  
Суратга тушади бўйдор, баҳодир.  
Лекин мен биламан, агар кўрсатмасин,  
Бир мушкулот тушса юртим бошига,  
Кўкракни тутмоққа ағёр тошига  
Майиб дўст, мажруҳ дўст — ўзингсан, Қодир!

Ҳаммасини билиб яшамоқ оғир,  
Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж,  
Қўлингдан ҳеч нарса келмай шеър ёзмоқ —  
Онангни алдашдек осон ва жирканч.

### Ш О И Р

Шеър ёзасан, энди кимгадир  
Кўрсатмасанг кўнглинг тўлмайдди.

Уқимасдан куюнар дўстинг,  
Сувмади ўқиб: «Бўлмайди!»

Шеър тугайди. Дўстлик ҳам. Лекин  
Қўксингдаги умид ўлмайди.  
Тугамайди ёнишлар ҳали,  
Ёндирувчи сўзлар: «Бўлмайди!»

Узун-узун ёзасан энди,  
Езганларинг эсда турмайди.  
Эсда қолар фақат эрмагу  
Ҳасад тўла кўзлар: «Бўлмайди!»

Шеърни севиб қоласан шунда:  
Ҳеч кимга ўхшатгинг келмайди;  
Ҳеч кимга кўрсатгинг келмайди,  
Ҳеч қачон йўқотгинг келмайди.

Аммо ёниб кул бўлар кўксинг...  
(Кимнинг паймонаси тўлмайди) —  
Йиқиласан бир кун гурсиллаб,  
Турай дейсан, ёху... Бўлмайди.

Жим қоласан... Энди шуҳрат ҳам,  
Шеър ҳам сени қизиқтирмайди.  
Қабринг узра эгилар бошлар  
Ҳаяжонли нутқлар янграйди:  
«Оғайнилар!  
Шоир ўлмайди!»

## 10-СИНФ

Сочи узун бўлса суйганим  
Кўйлаklarин этакларидай.  
Узун бўлса умрим ҳам мааним  
«Минг бир кеча» этакларидай...

Сана деса, чўккалаб олиб,  
Узун-қисқа бармоқларимни  
Букаверсам, етмай қолгунча  
Саноғига болаларимнинг.

Кўпайишиб, сиғмай қишлоққа  
Чўлга кўчиб чиқсак бизлар ҳам.  
Уғилларим ёнимга кирса,  
Қўлтиғимга кирса қизлар ҳам...

...Муаллима ёшгина жувон  
Куюниб дарс тушунтирарди,  
Энг ортдаги партада эса  
Бир ўқувчи бола,  
Бир инсон —  
Мана шундай ўйлар сурарди...

\* \* \*

Бир тасодиф рўй бериб агар,  
Тилдан қолсам, недир баҳона,  
Тилларимни учида у кун  
Қотиб қолган сўз сен бўл, Она!

Бир тасодиф рўй бериб агар,  
Кўрмай қолсам, беқут пешона,  
Кўзларим туб-тубига у кун  
Ботиб қолган сўз сен бўл, Она!

\* \* \*

Қизғалдоқлар қўйнида  
Ухлаб ётар бир сулув.  
Қайданам кўриб қолдим.  
Кўнглимга тушди ғулув.

Ухлаб ётар гулдайн,  
Ҳеч кимса йўқ олдида.  
Мен-ку тегмай ўтардим,  
Отим тўхтаб қолди-да...

## СЕНИ ЯХШИ ҚЎРАМАН

Тилга кирди шу баҳор бу ўқариқ,  
Гулга кирди ана, ғўза кўкариб...  
Энди сувга чиқсанг кўза кўтариб,  
Сен албатта ялпизлардан сўра, ман  
Сени яхши кўраман.

Бир кун сени кўрдим, агар тонмасанг,  
Севги шу — ёр дийдорига қонмасанг,  
Тўлин ойдек рухсорига қонмасанг,

Ишонмасанг юлдузлардан сўра, ман  
Сени яхши кўраман.

Бир қишлоқ қиз қиқир-қиқир кулади,  
Улар мени эрмак қилар, билади,  
Мен уларга тожи давлат тиладим,  
Сендан гўзал шу қизлардан кўра, ман  
Сени яхши кўраман.

### СЕВАР ЭКАН...

Билардим деб айтди у,  
Билар экан қизлар ҳам.  
Кулардим деб айтди у,  
Кулар экан қизлар ҳам.

Синардим деб айтди у,  
Синар экан қизлар ҳам.  
Сезардим деб айтди у,  
Сезар экан қизлар ҳам.

Кутардим деб айтди у,  
Кутар экан қизлар ҳам.  
Куяр экан, тунлар қон  
Ютар экан қизлар ҳам.

Мен эса... мен билмасдим,  
Билганимда кулмасдим,  
Сира парво қилмасдим:  
Севар экан қизлар ҳам!..

\* \* \*

Сочим оқарса ҳам чақалоқдайман.  
Энди туғилдиму  
Наздимда гўё —  
Ҳозиргина биров қўлига томди  
Киндигимдан оққан қизил сув...

Доя кампир қани?  
Қайда қолди у?!.  
Уни қўмсаб келиб,  
Бу кун бир тобут  
Кўрдим... Э воҳ, борар йўлига томди  
Кипригимдан оққан қизил сув.

Қизил сув, қизил сув, кип-қизил сув.  
Улғайиб қолдим-ку,  
Опа, қачон тўй?..  
Ўғил кўрмоқчиман. Баҳодиримга  
Менинг сумагимни асраб қўй.

\* \* \*

Карнай йиғлар,  
Сурнай йиғлар,  
Қиз йиғлар,  
Тўлиб кетар қишлоқ қий-чувга,  
Тўй бошланар...  
Сойга тушиб кетаман

Мен тушимни айтгани сувга.  
Онам чиқар йўлимдан:  
— Бир девор қўшнимиз-а, болам  
Васиятин унутдингми отангинг?  
Синглим тутар қўлимдан:  
— Ака, сизда гапи бор экан  
    Ҳакима опамнинг.  
Ҳе, ўша опангни...

Девордан бир сакраб,  
Сойга тушиб кетаман,  
Ҳеч ким билмас,  
Ҳеч ким кўрмас  
Жойга тушиб кетаман.

Ё-о-о-таман...  
Карнай йиғлар,  
Сурнай йиғлар,  
Қиз йиғлар.  
Мен чекаман,  
Юрагим... унсиз... йиғлар.

## ЖИЙДА ТАГИДА

(Ҳазил)

Сой бўйи. Тун. Куз.  
Бир йигит, бир қиз  
Шивир-шивирлар  
Жийда тагида.

Сувга чиққан чол  
Уйга қайтди лол —  
Дилда санчиқлар...  
Жийда тагида.

— Қайдасан, кампир?  
Адо бўлдик, тур,  
Оримиз йиғлар  
Жийда тагида.

Кўр ўзинг ҳам, юр,  
Упишаётир —  
Уйинг куйгурлар  
Жийда тагида...

Кейин не бўлди,  
Кейин ўй бўлди,  
Кейин тўй бўлди,  
Қолмади сирлар  
Жийда тагида.

## И Л Т И Ж О

Кунлар ойга, ойлар йилга айланар,  
Айланади чархи бешафқат,  
Гули хас, ғунчаси гулга айланар  
Жон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ким қонибди неъматига?—бу ҳаёт.  
Утган кунни қандай этиб бўлар рад.  
Аммо бўлса, бу дунёнинг гаштига  
Қон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ешинг фалон дерлар — кимда ғаним йўқ,  
Ғанимсиз ҳам хато ёзув, хато хат.  
Хайқир ота: бунчага кирганим йўқ,  
Тон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ким қонмаса неъматига, бу ҳаёт  
Утган кунни этса бўлар рад.  
Юрганча юр, турганча тургин  
Осмон, ота, сен  
Қарима фақат!..

## МАШҲУР УҒИЛ

Насиҳатга кўнмади ўғил.  
Ота хуноб. Кампири ҳайрон.  
Пишқиради, олис йўлга шай  
Бостирманинг остида жийрон.

Жилов тутган қўллар қалтирар,  
Кўзларида энди чол сўзи:  
— Уқишингга бу йил бормасанг,  
Келаси йил борардинг, қўзим...

Қайсар ўғил от устида шод:  
— Одам ўқиб танийди эсин.  
Сурув билан нима ишим бор,  
Менга деса қашқирлар есин...

Кетди. Ортда қолди дала, қир,  
Қора қўргон қир устидаги.  
Иигитчанинг шаҳарда машҳур  
Шоир бўлмоқ эди тилаги...

Ииллар ўтди. Мункиллаб ҳамон  
Қўй боқади қирда чол тушкур.  
Ҳа, дарвоқе, ўғли бор эди,  
Ўғли бугун шаҳарда машҳур.

\* \* \*

Баҳорда кўп оғир,  
Қиқирлаб турса  
Тиззанга суйкалиб лолақизгалдоқ  
Беғубор, ёшлигинг ўтган жойларда  
Қўлтиқтаёқ билан ҳаккалаб юрмоқ.

Яланғоч новдалар пичирлаб турса  
Кузда, сукунатга чўкканда чорбоқ.  
Кўп оғир, индамай кетиб бораётган  
Мўмин турналарга боқиб ўй сурмоқ.

Кўн огир, беғубор қорлар ёққанда  
Қишда, дала-даштга қўнганда туман,  
Сотқинга тегмаган ўқни сийпалаб  
Урушни эсламоқ сандалдан чиқмай  
Хунук ва вафодор хотининг билан...

## ЛЮБА ШЕВЦОВА

Люба Шевцова ўлими олдидан  
онасига бир энлик хат ёзиб чи-  
қарган: «Алвидо ойигинам! Қизинг  
қаро ерга кетди...»

Жуда сипо сизнинг рўйи — чехрангиз,  
Ҳамма даврада ҳам кулавермайсиз.  
Мезонни биласиз ҳар жойда, лекин  
Люба Шевцовани билмайсиз.

Уриб кўрмагансиз кокилингизни,  
Қошингизга ўсма қўймайсиз.  
Гўзалсиз — тараф йўқ моҳитоб, лекин  
Люба Шевцовани билмайсиз.

Санъатни севасиз. Соатлаб ғамгин  
Бўёқлар рангига боқиб тўймайсиз.  
Алвон камалакни билмайсиз, лекин  
Люба Шевцовани билмайсиз.

Дутор дастасидек толма белингиз,  
Фақат «Бари гал»га ўйнайсиз.

Дунёда сиз билмас қўшиқ йўқ, лекин  
Люба Шевцовани билмайсиз.

Сенинг ёринг бўлсам, дея бўйлайсиз,  
Вафодоринг бўлсам, дея ўйлайсиз,  
Садоқат сабогин билмайсиз бироқ,  
Любовь Шевцовани билмайсиз!

Люба Шевцовани билмайсиз.

### МАРҲАМАТ

Бугун танбеҳ бермади биров;  
Бу жой шаҳар, анқайма иним.  
Утиб кетди аммо бу кун ҳам  
Марҳаматсиз тагин бир куним.

Мен шаҳарга ўрганиб қолдим,  
Шаҳар менга — йигирма қават.  
Изтиробим ичимга ютиб  
Боғлар кездим, ёзолмадим хат.

Унда бир қиз йўлимга илҳақ,  
Пахта терди, ўт юлди маъюс.  
Турна келар кун ўтди — баҳор  
Турна қайтар кунлар ўтар — куз.

Унинг сочи узундан-узун,  
Унинг сочи товонга етган.

Лекин гулга ўхшамас юзи,  
Қўллари ҳам ёрилиб кетган.

Юрак ёнар уни ўйласам,  
Бу ёғи ҳеч шеърга сиғмайди.  
Кузда котиб ухлар Марҳамат,  
Тунда кутган қизинг чиқмайди...

## И С Т А К

Шотут соясида бешик бозори,  
Саҳарлардан райҳон ҳиди анқийди,  
Бешиклар тебратиб боғчахотин йиғлар:  
Биттагина ўғлим бўлса, майлийди.

Сарин сабо эса қўшиқлар айтар,  
Майсага ёнбошлаб тинглар шудринглар.  
Оқ шийпон ортидан мўралар офтоб,  
Ҳей, қизлар, туринглар!

Чумоли ёпишар ялпиз баргига,  
Ирмоқ унга сувлар сочиб ҳиринглар,  
Бригадир планни ўйлайди хуноб:  
Ҳей, қизлар, туринглар!

Эй менинг, хаёлим сулув, моҳитоб,  
Ўзимга саволим, ўзимга жавоб,  
Босган қадамлари кўзимга тавоб:  
Ҳей, қизлар, туринглар!

Ҳей, қизлар, туринглар,  
Тўлдириб юринглар Ўзбекистонни,  
Истайманки, доим порохлар эмас,  
Сизларнинг аллангиз тутсин жаҳонни!

\* \* \*

Мен шеър ёзармидим,  
Гуллар сопол жомларда эмас,  
Қизгалдоқлар томларда эмас,  
Чаккамизда очилиб турса...

Мен шеър ёзармидим,  
Бўғотларда тиқилишмасдан,  
Юраклари сиқилишмасдан,  
Елкамизда болаласа  
Қалдирғочлар ҳам...

Мен шеър ёзармидим,  
Тизза бўйи қон кечиб бунда,  
Жанг қилишган чоллар бир кунда  
Унутворса урушни тушдай.

Ул фидойи чолларнинг бири —  
Саксон яшар Еқуб чўлоқдан  
«Запорожец»га пора сўраган  
Таъмагирлар бўлмаса.

Мен шеър ёзармидим,  
Куйдирмаса қўлимни қалам,

Юрагимдан ўтмаса алам —  
Кўксим интиқомга тўлмаса.

Ҳей, сиз устамонлар,  
Сиз кулманг!..  
Ўзни бунча донишманд билманг.  
Экканингни ўрасан, дерлар,  
Элдан қайтар, ҳар қанча қилманг,  
Мен шеър ёзармидим бўлмаса.

### К Е Ч И Қ И Ш

— Кўкрак тўла орзу ю ташвиш  
Пайкалда ҳам ҳосилимиз мўл.  
Яшайпмиз бизлар ёзу қиш  
Юмушлардан бўшамайди қўл.

Ношукурман нолисам, бироқ,  
Ҳеч кимсадан камим йўқ ахир,  
Фақат сени соғиниб гоҳ-гоҳ  
Йиғлаб мени қон қилар кампир.

Тушунолмай қолдим қандайдир  
Тошмеҳрроқ чиқдинг ўзинг ҳам,  
Бизни эслаб ҳар замонда бир  
Хат ёзиб ҳам қўймайсан бўтам.

Шаҳар ёқдан ким келса, бари  
Тўтидек бир сўзни қайтарар:  
Кўришмадик, ўғлингиз балки  
Келиб қолар, дейди занғарлар.

Яхши бўлди келганинг аммо,  
Зап вақтида келдинг бу сафар,  
Маҳаллада ялла авжида,  
Айни тўйлар бошланган маҳал.

Мана кеча, оти нимаёди  
Салтанатнинг кенжа қизини,  
Эсим қурсин, ёдда турмайди,  
Бор эдию сочи узун  
Биз куёвга узатдик шуни...

Тўйи тўкин ўтдию лекин  
Куёвга қизгина тушгур,  
Кўнгилсизроқ эканми, қайдам,  
Кўп йиғлади, деб келди кампир.

Ким билади балки шундайдир,  
Янглишгандир балки кампирим.  
Бари келин йиғлайди, ахир  
Йиғламасдан эрга теккан ким?

Бу гапларни қўя турай, кел  
Бўталоғим, ўзингдан гапир.  
Зилзилалар унут бўлиб, эл,  
Шаҳар энди тинчиб қолгандир?

...Меҳр тўла нигоҳи билан,  
Бобом мандан жим кутар жавоб.  
Билса экан, тушунса экан  
Невараси не кўйда шу тоб!

Билмайди, эҳ бобом билмайди  
Мен, мен ахир севардим уни.  
Салтанатнинг оти нимаиди,  
Уша сочи узун қизини...

\* \* \*

Ҳайрон бўлма турна кишнаса,  
Қаҳратонда олма гулласа,  
Аммо сенинг севиб қолишинг...  
Алдаб нима қиласан?

Осмонни сув босса, ҳайратим ёлғон,  
Қуёшни ўт босса, юлдуз тулласа,  
Аммо сенинг севиб қолишинг...  
Алдаб нима қиласан?

Тошлар тилга кирса ишонгум,  
Трамвайлар юм-юм йиғласа,  
Аммо сенинг севиб қолишинг...  
Алдаб нима қиласан?

Сенга қараб кўзим пишмоқда,  
Сени ўйлаб кўнгил увишмоқда.  
Келин орзу қилиб, бағримни тилиб  
Тўшак қавир қари онам қишлоқда...  
Алдаб нима қиласан?

## ҚУШЛАР ҲАМ ЙИҒЛАР

Терлар оқди сув бўлиб биздан  
Ва гурсиллаб йиқилди терак...  
Ака, бизнинг қилмишимиздан  
Тунда қушлар йиғласа керак.

Она чумчуқ айланиб кетмас,  
Кўнглига қил сиғмаса керак.  
Эски индан ташиб бориб хас,  
Янги инда йиғласа керак.

Баланд бўлар уйимиз тоғдек,  
Айвонида устун ул терак.  
Биз яшармиз кўнглимиз чоғдек,  
Шунда қушлар йиғласа керак...

\* \* \*

Бунда бир қиз бор эди,  
Жуда кўнгли тор эди.  
Мен исмини билмасдим,  
Мен исмини билмасдим.

Шунинг тўйи бўляпти...  
Ўзи менга ёқмасди,  
Бир қайрилиб боқмасди,  
Мен ҳам парво қилмасдим,  
Унинг тўйи бўляпти...

Кетдик жўра, нима бор  
Бировларнинг тўйида.  
Бугун сайил бўлади  
Ширмонбулоқ бўйида.

Шундай кунда ноз қилиб  
Қарамаса бизларга.  
Атиргулга мурч сениб  
Улашамиз қизларга.

### СЕВГИ БУ...

Севмоқ бу,  
Кечирмоқ дегани асли,  
Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор  
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли,  
Содиқ ҳамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Ғийбатлар тингладим, айланди бошим,  
Хўл тупроқ куйдирди товонларимни  
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб  
Кўмдим беор дўстдек гумонларимни.

Уйлар суравердим кечалар танҳо,  
Гоҳи жиққа ёшга тўлганда кўзим  
Ва сени севамоқдан олдин бир куни  
Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли  
Токи замин аро қуёш бор, гул бор.

Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли,  
Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар.

Севгилим, мен сени севаман, тамом,  
Ғамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни.  
Севмоқ, бу кунда бир кўрмоқ бахтидир  
Озгин қўлларингни, сепкил юзингни...

## СЕНДАН ХАТ ЙЎҚ

Тонг ёришди  
Жилмайди бепарво шаҳар.  
Дил дардимни  
билмайди бепарво шаҳар.  
Мен ўйладим бу дунёда муҳаббат йўқ —  
Сендан хат йўқ...

Чопаверар  
Кун бўйи бир манзил сари,  
Трамвайлар —  
паровознинг болалари.  
Асримнинг шу темирида ҳам тоқат йўқ —  
Сендан хат йўқ...

Сулувлардан сулув ҳам сен, ҳур сен эдинг,  
Бу дунёдан сўраганим бир сен эдинг,  
Кўп ўқиган дўстим деди, садоқат йўқ —  
Сендан хат йўқ...

Энди билдим, бир кун сенинг тўйинг бўлиб,  
Сурнай йиғлар саҳаргача ўйин бўлиб.  
Тўйдан нишон ўчоқ қолар, кул қолади,  
Мен қоларман ширингина ўйинг бўлиб.

\* \* \*

*Назир отага*

Биласизми,  
Сўлим шаҳар кўчаларида,  
Сайр қилиб,  
Соя-салқин гўшаларида,  
Олисдаги сомонсувоқ хоналарингиз,  
Ҳусайнилар сарғайишиб токчаларида  
Кунда сизни ўйлашини оналарингиз?..

Биласизми,  
Бир энлик хат, бир парча қоғоз  
Олишган кун, саломат деб болаларимиз,  
Почтачини космонавтдек қилишиб эъзоз,  
Оқшомгача сийлашини оналарингиз?

Биласизми,  
Жазирама офтоб тобига  
Елка тутиб пайкал аро баҳордан то куз,  
Боласидек суюнишиб кетмон сопига,  
Кунда сизни ўйлашини оналарингиз?

Биласизми,  
Қўкрагингиз илҳомга тўлиб  
Кечалари ухламасдан шеър ёзганда сиз,  
Нодираю, Зебунисо, Увайсий бўлиб,  
Дилшод бўлиб бўйлашини оналарингиз?..

Биласизми?..  
Баракалла, билсангиз агар,  
Билганингиз қутлуғ йўлида ўзи бир манзил,  
Ёзаверинг, болаларим!  
Ҳаммангиз шоир,  
Шеърингизни босишади,  
Мана, мен кафил.

\* \* \*

Сен дардингни айтмадинг,  
Сўрамадим мен ҳам, тек.  
Оқиб кетди юрагим,  
Сувга тушган олмадек.

Оқди-кетди бир қўшиқ,  
Ул қўшиқнинг оти — эрк.  
Сувга тушган олмадек,  
Сувга тушган олмадек.

## СОАТСОЗГА ИШИМ ТУШДИ

(Ҳазил)

Соатсозга ишим тушди  
Ва битгунча  
Кутавериб,  
Тишим чиқиб,  
Тишим тушди...

Соатсознинг  
Сўзи қисқа:  
Ойнами?..  
Йўқ, ойна бизда.  
Омборда йўқ,  
Базада йўқ.  
Ойна учун  
«Война» бизда..

Соатсозга  
Кўп гапирмай,  
Бекор кулиб,  
Бекор турмай,  
Уйланг экан,  
Бўйланг экан,  
Йўлин топиб,  
Сўйланг экан.

Мен бу йўлни ёдлаб олдим,  
Соатимни созлаб олдим.

Лекин ундан кўнглим қолди,  
Лекин ундан кўнглим қолди...

Соатсознинг тспиши зўр,  
Қопқоқ очиб,  
Ёпиши зўр.  
Найранглари «ёпди — ёпди»,  
Мижозлари чопди — чопди  
Яшасин «Техсложбитприбор!»..

### ШИҚОЯТ ДАФТАРИГА БИТИЛГАН ШЕЪР

Адолатли авиакассалар,  
Саховатли авиакассалар,  
Тароватли авиакассалар,  
Юлғич-юлғун кассирларисиз.

Салобатли меҳмонхоналар,  
Саховатли меҳмонхоналар,  
Мурувватли меҳмонхоналар:  
Юлғич-юлғун кассирларисиз.

Бироз чидаб турасиз тағин,  
Сизлар орзу қилган кун яқин.  
Бизлар орзу қилган кун яқин:  
Қаноатли авиакассалар,  
Матонатли меҳмонхоналар.

\* \* \*

Меҳрим қаттиқ бўлди,  
Қаҳрим қаттиқ бўлди.  
Насиҳатни эса олмадим.  
Ҳарифим суюнди, дўстим куюнди,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осойиш ботмади бирор бир куним,  
Талашиб-тортишиб толмадим.  
«Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним...»  
Мен ўз билганимдам қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,  
Суйдим сира кулмай омадим.  
«Шоҳона яшардик сўзимга кирса...»  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қувроқ бўл дейишди, ёлғон ҳам керак,  
Жиндек хушомад ҳам...

қулоқ солмадим.

Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қўнглим сезар, энди бу ёғи аён,  
Дўстларим... дўстларим, бахтли боламан,  
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,  
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида  
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!

\* \* \*

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,  
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.  
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:  
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатми?

Қимга керак у?..

Беҳудадир кўз ёшнинг сели.  
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:  
У бегона. У энди келин...

Тўй бу — асли баджаҳл ота  
Бахтли бўлсин қизим, дегани.  
Уни сенга бермасман, бўтам,  
Тирик экан кўзим, дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом.  
Қонимда бир ғашлик ўрмалар.  
Мен оловга отарман энди  
Юрагимни қийма-қиймалаб...

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,  
Оловларга отгум уни, бас!  
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,  
Севиш керак... яшаш шарт эмас.

## У Н У Т И Ш

### *Шокирга*

Отам ўғитларин унутмоқдаман.  
Унутяпман секин, ўзимни оқлаб.  
Сен кимнинг ўғлисан? Кимнинг ўғлисан?  
Ортимда имоним юрар сўроқлаб...

Мен кимни алдадим. Илк ёлғонларим,  
Сохта табассумим кимга аталди?  
Менга шуҳрат тутган хушомадларим  
Отамнинг қабрига тиғдай қадалди.

Отам ўғитларин унутмоқдаман.  
Унутяпман озгин юзи, қўлларини.  
Тер ҳиди анқиган беқасам чопон,  
Кетмони, яктаги ямоқларини.

Толендан мамнун жуфти ҳалолим,  
Тилла тишларини кўрсатиб кулар.  
Менинг кўнглим билан иши йўқ сира,  
Суратимни излаб китоб титкилар.

Мен эса отамни унутмоқдаман...

## Т И Л А К

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,  
Ажин тушсин юзларига, доғ тушсин.  
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,  
Қўлларига асо—бир таёқ тушсин.

Имони соф, юзга кириб ёруғ юз,  
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.  
Жисмига сўнгги сафар олдидан  
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин...

\* \* \*

Юзга ажин тушди,  
Сочга қиров инди.  
Болалик-да қолиб кетди шўх.  
Қолиб кетди қанча яхши кунларим,  
Орқага қараш йўқ...

Қилган хатоларим ўзимга аён.  
Хотира — изимдан тушган дайди ўқ.  
Мен кимни унутдим,  
Кимлар мендан тонди...  
Орқага қараш йўқ.

Сўнди қанча яхши тилаклар.  
Сўнди ҳайрат — юракдаги чўғ.  
Кетдик қалбим,  
Кетдик қадрим... кетдик  
Орқага қараш йўқ.

Анов ким деб сўраш йўқ.

## МУНДАРИЖА

«Бўйи райҳон юртимнинг...»	3
Алвон гуллар	4
Инсон	5
41 йил	6
Марух довони	7
Бир куни	10
«Қарамайди қайрилиб бир бор...»	11
Болалик	11
«Энди билдим, жола экан...»	12
«Сен кимни севасан...»	13
«Ҳакамларга тўкиб солиб бор сиримизни...»	13
«Бекатларда мен қоларман-да...»	14
Сурат	15
Таниш тераклар	15
Мингтепа қўшиқлари	16
Ҳалима энам аллалари	19
Қишлоқда	30
«Умр нима? Умр оқиб ўтмоқда...»	31
Ўтан бобо	32
«Ҳали билмай сонсиз гуноҳларимни...»	33

«Рўмолингни бўяма...»	33
«Кечагина қишлоқдаги қизлар бари...»	34
Шифохонада	35
Далада	35
«Қодир...»	36
Шоир	37
10-синф	39
«Бир тасодиф рўй бериб...»	39
«Қизгалдоқлар қўйнида...»	40
Сени яхши кўраман	40
Севар экан	41
«Сочим оқарса ҳам чақалоқдайман...»	42
«Қарнай йиғлар...»	42
Жийда тагида	43
Илтижо	44
Машҳур ўғил	45
«Баҳорда кўп оғир...»	46
Люба Шевцова	47
Марҳамат	48
Истак	49
«Мен шеър ёзармидим...»	50
Кечикиш	51
«Ҳайрон бўлмам турна кишнаса...»	53
Қушлар ҳам йиғлар	54
«Бунда бир қиз бор эди...»	54
Севги бу	55
Сендан хат йўқ	56
«Биласизми?...»	57
«Сен дардингни айтмадинг...»	58
Соатсозга ишим тушди	59

Шикоят дафтарига битилган шеър . . . . .	60
«Меҳрим қаттиқ бўлди...» . . . . .	61
«Осмон чўкиб қолди бу оқшом...» . . . . .	62
Унутиш . . . . .	63
Тилак . . . . .	63
«Юзга ажин тушди...» . . . . .	64

На узбекском языке

МУҲАММАД ЮСУФ (Юсупов)

ЗНАКОМЫЕ ТОПОЛЯ

Стихотворения

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди.

Редактор А. Суюнов

Рассом О. Галицкая

Расмлар редактори В. Немировский

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректор Т. Урмонов

ИБ № 3460

Босмахонага берилди 12.06.85. Босишга рухсат этилди 16.08.85.  
Р 14934. Формати 60x90 1/32. Босмахона қоғози № 3.  
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,125  
Шартли кр.-оттиск. 2,37. Нашр л. 2,11. Тиражи 5000  
Заказ № 116 Баҳоси 25 т.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
ЎзССР Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.